O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №
202091

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 13 январь, № 9 (4672) Сешанба

# ТЎРТ СЕКЦИЯЛИ ТЕПЛОВОЗЛАР

## юкларни манзилга ўз вақтида ва бекаму кўст етказишни таъминламоқда

***Одатда юк поездларини, оғирлигига қараб, икки ёки уч секцияли тепловозлар тортади. Бугун мамлакатимизда тепловозларнинг тўрт секциялилари ҳам пайдо бўлди. “4ТЭ10М-5047” русумли бундай локомотивлар “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик компаниясига қарашли “Ўзтемирйўлмаштаъмир” унитар корхонасида ишлаб чиқарилмоқда.***

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Маълумки, Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда ягона миллий темир йўл тизимини яратиш ҳамда жанубий минтақалардаги ер ости бойликларини ўзлаштириш мақсадида барпо этилган “Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон” янги темир йўл линияси фойдаланишга топширилиши соҳа вакиллари олдига ушбу мураккаб рельефли тоғли участкада поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаган ҳолда, уларнинг қатновини ташкил этиш вазифасини қўйди. Шу мақсадда компания раҳбарияти хизмат муддатини ўтаб бўлган ва темир йўлнинг турли станциялари захира йўлларида вақтинча тўхтатиб қўйилган локомотивлар негизида 4 секцияли тепловозларни яратиш ва уни ишлаб чиқаришга жорий этишга киришди. Бу ишга таъмирловчи мутахассислар, етакчи олимлар ва муҳандис-техник ходимлар жалб этилди. Таъмирлаш юмушлари эса “Ўзтемирйўлмаштаъмир” унитар корхонаси жамоасига юклатилди.

Янги техникани тиклашдаги энг нозик ва мураккаб иш — бу 4 та секция ишини бир кабинадан туриб бошқаришга мослаштириш эди. Бунинг учун 2000 дан зиёд электр узатиш кабелларининг учини топиб, секцияларaро бир-бирига узлуксиз улаш талаб этиларди. Корхонанинг тепловоз цехи бошлиғи Дилшод Мирхонов, унинг ўринбосари Баҳодир Қурбонов, электроаппарат цехи бошлиғи Фахриддин Исмоилов, технолог Александр Посуконко, дизель цехининг участка бошлиғи Сергей Федулов, катта уста Алижон Юсупов ва бошқалар янги тепловоз тайёр бўлмагунча туну кун меҳнат қилишди. Пировардида барча секцияларнинг электр кабеллари янги чизма бўйича юз фоиз янгисига алмаштирилди. Гильза, компрессор, иссиқлик алмаштир-



(Давоми 2-бетда).

## 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

***Мамлакатимизда 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни кенг нишонланаётган шу кунларда ЎзА мухбири айрим ҳамюртларимиз билан ушбу байрам хусусида суҳбатлашди.***

# МАҚСАДИМ – ВАТАНИМГА СИДҚИДИЛДАН ХИЗМАТ ҚИЛИШ

**Орзигул МИНГБОЕВА, уй бекаси:**

— Ҳар йили 14 январь куни оиламизда катта байрам. Қизим билан биргаликда турмуш ўртоғим ва ўғилларимни байрам билан қутлаб, совғалар берамиз.

Икки ўғлим йигитлик бурчини ўтаган. Уларнинг ҳарбий илмни пухта эгаллаб, жисмонан чиниққанидан жуда қувонаман. Ўғлонларимизнинг юртимиз тинчлиги ва осойишталигига камарбаста, она Ватанга содиқ фарзандлар бўлиб камол топиши биз, ота-оналарнинг ҳам бахтидир.

**Подполковник Ҳикмат НАСРИДДИНОВ, Ўзбекистон ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари:**

— Мактабда ўқиб юрган кезларимда ҳарбий учувчи бўлишни орзу қилар эдим. Орзуим ушалганидан, шундай шарафли касб эгаси бўлганимдан фахрланаман.

Ҳарбий қисмларимизда хизмат қилаётган мард ва жасур ўғлонларимиз ҳарбий ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва ҳарбий ҳаво кучлари учувчилари ва командирларининг жанговар қисмини ташкил этади. Юртимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси ҳарбий хизматнинг нуфузини ва ёшларимизнинг армиямизга қизиқишини янада оширмоқда.

Мамлакатимизда ҳар йили Ватан ҳимоячилари куни кўтаринки руҳда нишонланади. Байрам олдидан ҳарбий қисмларда маданий-маърифий анжуманлар, турли учрашувлар, мулоқотлар, концертлар ташкил қиляпмиз. Ўтказилаётган бундай тадбирлар ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

**Фарҳод ТУРСУНОВ, ҳарбийга чақирилувчи:**

— 2008 йили махсус касб-ҳунар коллежини тугатдим. Болалигимдан спорт билан мунтазам шуғулланаман. Яқинда хизматга бориш учун тиббий кўрикдан ўтдим. Ушбу кўрик жараёнида ҳарбийга чақирилувчиларнинг нафақат жисмонан соғломлиги, балки маънавий салоҳияти ва интеллектуал қобилиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилар экан. Синовлардан муваффақиятли ўтиб, тенгдошларим қатори Ватан ҳимоясига отланаётганимдан бахтиёрман.

Хизмат давримда йигитлик бурчимни адо этиб, халқимизнинг, ота-онамнинг ишончини оқлаш учун бор куч-ғайратимни, билимимни сарфлашга ҳаракат қиламан.

**Мингяшар РАЖАБОВ, истеъфодаги подполковник, “Дўстлик” ордени соҳиби:**

— Ҳарбий сифатида чегара қўшинлари сафида хизмат қилдим. Фарзандларим ҳам мен танлаган йўл — ҳарбийлик йўлидан боришмоқда. Бугун сафда турган ўғлонларимизга қараб, эл-юрт осойишталиги ишончли қўлларда эканидан қалбим ифтихорга тўлади.

(Давоми 3-бетда).

**Ифтихор**

Университетда дарс бераман. Ўқув даргоҳимизнинг ташқи ва ички кўриниши, у ердаги маънавий муҳитга ҳамма ҳавас қилса арзийди.

# ШУНДАЙ ШАРОИТНИ ОРЗУ ҚИЛГАНДИК

Негаки, замонавий ўқув ускуналари билан таъминланган синф хоналари талаба ёшлар ҳамда устозлар учун ниҳоятда қўл келаётган бўлса, университет ён-атрофидаги гўзаллик, мевали ва манзарали дарахтлардан иборат боғ қулфи-дилимизни очиб юборади. Бу эса умумий кайфиятга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Талабаларга дарс бераётиб, шуни англайманки, бугунги ёшларнинг руҳи бошқача. Уларнинг тафаккур тарзи, дунёқараши ўзига хос. Ёшларнинг саволлари бирам кўпки, баъзан шошиб ҳам қоламан. Ватанимизнинг узоқ ўтмиши, истиқлолга эришганимиз, берилаётган имкониятлар, асрга татигулик ишлар ҳақида фахр билан гапираман. Шогирдларимнинг орзу умидлари, келажакка катта ишонч билан қарашлари, интилишлари кўнглимни яйратиб юборади.

Мен қишлоқда туғилиб, шу ерда улғайганман. Болаликдаги бирдан-бир орзуим олима бўлиш эди. Ниятларимни ошкор қилганимда, айримлар устимдан кулишдики, оддий бир қишлоқ қизи бўлсанг, олималикка йўл бўлсин, деб. Бахтимдан ўргилай, минг бир чиғириқдан ўтиб, аспирантурага кирган йилларим Ватанимиз мустақилликка эришди. Менга ўхшаш “ожиза”, “осмондаги ойни орзулаган"ларга имконият эшиклари кенг очилди. Хоҳлаган мавзуга қўл уриш, эркин, ижодий изланишлар олиб боришимиз учун барча шароит яратилди. 1993 йили

(Давоми 2-бетда).

# ФАОЛИЯТ УЙҒУНЛИГИ — САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида Президентимиз парламент юқори палатаси фаолиятига баҳо бериб, аввало, ушбу орган фаолиятининг маҳаллий Кенгаш депутатлар корпуси билан узвий алоқалари етарли эмаслиги, улар билан ҳамкорликда ишлаш тизими яхши йўлга қўйилмаганини алоҳида таъкидлаган эди.***

**Маҳаллий Кенгашларда**

Сенат аъзолари ўз ваколатларини маҳаллий Кенгашлар депутатларидан олганлиги, айниқса, уларнинг парламентдаги тўлақонли, айни дамда шу Кенгашларга ҳисоб берадиган вакиллари сифатида иш юритишини инобатга оладиган бўлсак, ушбу танқидларнинг нечоғли асосли бўлганини кўриш мумкин. Юртбошимизнинг ўринли кўрсатмаларидан сўнг парламент юқори палатасида маҳаллий Кенгашлар билан алоқани кучайтириш, депутатлар корпусини ҳудуднинг муаммоларини ҳал этишда янада фаоллаштириш, хусусан, уларнинг қонунчиликда белгиланган тартибда фаолият юритишларига эришиш мақсадида тизимли тадбирлар амалга ошира бошланди.

Аслида маҳаллий Кенгашлар, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунга кўра, вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек, шаҳарлар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари саналади. Улар зиммасига ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, жойларда қонунлар, Ўзбекистон Республикаси фармон ва қарорлари, Олий Мажлис палаталари ва Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган ҳужжатлар, юқори турувчи халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимлар қарорларининг ижросини, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги алоқаларни, аҳолини вилоят, туман ва шаҳарни бошқаришга жалб этишни таъминлашдек юксак вазифалар юклатилган. 2007 йили январь ойида Сенатнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва ижро этувчи ҳокимият органлари билан ҳамкорлиги, уларнинг минтақавий ривожланиш муаммоларини ҳал этишдаги фаолияти мувофиқлаштирилишини таъминлаш масалалари бўйича гуруҳ аъзолари халқ депутатлари Бухоро, Қашқадарё, Фарғона, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳар Кенгашлари фаолиятини амалий ёрдам кўрсатиш орқали ўрганиб чиқди. Натижада юқорида зикр этилган вазифаларни рўёбга чиқариш юзасидан муайян камчиликларга йўл қўйилгани аниқланди.

(Давоми 2-бетда).

# МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар



## Сув келтирган азиз

*Когон туманидаги Ўбачўли маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Ёби қишлоғи аҳолиси учун яна бир қулайлик яратилди. Қувурлар тортилиб, аҳоли хонадонлари тоза ичимлик суви билан таъминланди.*

Ўтган йили Вобкент, Пешку, Ромитан, Ғиждувон, Шофиркон туманларида ҳам шундай юмушлар амалга оширилгани боис, вилоятда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси қарийб 80 фоизга етди.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Қашқадарё вилоятида аҳолининг бандлик даражасини ошириш борасида кенг миқёсли ишлар амалга оширилмоқда.***

## Микрокредит — оилавий бизнес пойдевори

Айниқса, иш билан банд бўлмаган аҳоли ва кам таъминланган оилаларга микрокредит бериш орқали шахсий хўжаликларни ривожлантириш, уларни тадбиркорликка жалб қилишга катта эътибор берилаяпти. 2008 йилда тижорат банклари ва бандлик жамғармаси ҳисобидан 16,9 миллиард сўм миқдорида микрокредит берилди. 24,5 минг оилага қорамол сотиб олишга кўмаклашилди. Ҳозирга қадар шахсий хўжалигида чорвачилик билан шуғулланаётган кишилар сони 117,6 минг кишига етди. Уларнинг ҳаммасига меҳнат дафтарчаси очилди.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «Ўзсаламан»нинг янги ҳамкори

***Мамлакатимизда пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ташкил этилган илк қўшма корхоналаридан бири — “Ўзсаламан” хориждаги ҳамкорлари сафини кенгайтирмоқда.***

Янги йилдан бошлаб қўшма корхона Туркиянинг “Кимтекс” фирмаси билан хом ашё етказиб бериш юзасидан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйди.

Айни пайтда хорижий мамлакатларда “Ўзсаламан”нинг “Фарғона Колхида пойабзал”, “Сифатли пойабзал файз”, “Фарғона “Ўзсаламан” савдо уйи” сингари шўъба корхоналари мавжуд.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Музейлар ҳақида сўз кетганда, уни ўтмиш, бугунги кун ва келажакни бир-бирига боғлаб турувчи маънавий кўприкка қиёслашади. Бизнинг тарих, анъана ҳамда қадриятларимиз ҳақидаги тасаввуримиз янада кенгроқ бўлишида айни шу кўприкнинг ўрни ва аҳамияти ниҳоятда катта.***

# БУ ЕРДА ТАРИХ ВА БУГУН МУЖАССАМ

Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида музейлар фаолиятини тубдан такомиллаштириш, хусусан, улар фондини бойитиш, асраб-авайлаш, янада кенгроқ ўрганиш, ёшлар қалбида миллий ифтихор, истиқлол ва Ватанга садоқат сингари муқаддас туйғуларни шакллантиришда улар кучидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда турли йўналишдаги 1200 дан зиёд музейлар фаолият кўрсатмоқда. Уларда сақланаётган ҳар бир экспонат ноёблиги билан киши эътиборини ўзига тортади. Масалан, пойтахтимиздаги Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари марказий музейига ташриф буюрсангиз, тарих ҳақидаги тасаввурларингиз янада бойишига шубҳа йўқ. Бу ерда буюк аждодларимиз томонидан барпо этилган давлат ва унинг қандай куч-қудратга эга бўлганидан тортиб, Истиқлол йилларида Президентимиз бошчилигида миллий армияни шакллантириш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда унинг самаралари тўғрисида батафсил хабардор бўлишингиз мумкин. Яъни мазкур илмий-маърифий масканнинг асосий фаолияти юртимиз ҳарбий тарихи ёдгорликларини тўплаш, уларни тадқиқ қилиш ва сақлаш, ҳарбий хизматчилар, ёшлар, умуман, аҳоли ўртасида маънавий-ахлоқий, ҳарбий ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришга қаратилган.

(Давоми 3-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ



## Олий таълимга қизиқиш кучли

**2008** йил якунлари бўйича “Ижтимоий фикр” маркази олиб борган сўров натижалари, жумладан, мамлакатимиз ёшларининг **73,3** фоизи, албатта, олий маълумотли мутахассис бўлишга интилаётганликларидан далолат беради.

Бунинг сабаби шуки, ёшларимиз, аввало, кадрлар бозоридаги кучли рақобат шароитида ҳаётда мустаҳкам ўз ўрнини топишга интилмоқдалар. Қолаверса, олий малакали мутахассис бўлишга қизиқиш бевосита ёшларимизнинг мамлакат тараққиётига имкон қадар салмоқлироқ улуш қўшишга интилиши билан изоҳланади.

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Энг қиммат уяли телефон

***Австриялик дизайнер Петер Алойсон «iPhone» русумли қўл телефонини қимматбаҳо зеб-зийнатлар билан безатди.***



Олтин ва 138 дона жавоҳир билан ясатилган мазкур телефоннинг баҳоси 1,6 миллион фунт стерлинг (1,8 миллион евродан ортиқ)га тенг. Унга ишлатилган энг катта жавоҳирнинг оғирлиги 6,6 каратдан иборат. Мутахассислар мазкур алоқа воситаси дунёдаги энг қиммат қўл телефони бўлиши мумкинлигини айтишмоқда.

Алойсон 1998 йилдан буён телефонларни безатиш билан шуғулланади. Унинг биринчи иши 120 минг еврога баҳоланган.

## 50 миллиард долларга 2 та нон

***Замбабве марказий банки яқин кунлар ичида мамлакат миллий валютаси — долларнинг 50 миллиард қийматига тенг бўлган банкнотини муомалага киритилишини маълум қилди, дейилади «CNN» телеканали хабарида.***

Бунга инфляция даражаси тобора ошиб бораётгани сабаб бўлган. Жумладан, мамлакат пулининг қадрсизланиши йилига 231 миллион фоизни ташкил этади. Ушбу салбий ҳолат жорий йилда ҳам давом этмоқда. Унинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар эса кутилган самара бермаяпти.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, янги чиқариладиган



50 миллиард долларга борйўғи иккита нон харид қилиш мумкин экан.

## Учар машина

***«Terrafugia» компанияси мутахассислари автомобилсозлик саноатида оламшумул янгилик яратдилар.***

Гап шундаки, компанияда «Terrafugia Transition» деб номланган учар автомобиль ишлаб чиқарилди. У яқин кунлар ичида синовдан ўтказилади. Агар тажриба муваффақиятли якунланса, 18 ойдан сўнг «Terrafugia Transition»ни оммавий равишда ишлаб чиқариш бошланади. Юзта от кучига эга бўлган мазкур учар автоулов икки ўриндиқли бўлиб, бензин ёнилғиси билан ҳаракатланади. У соатига 160 километр тезлик билан уча олади ва бир ёнилғи тўлдирилганда 750 километрлик масофани босиб ўтади.

Учар автомобилга 200 минг АҚШ доллари миқдорида нарх белгиланган.

## Қалин қор оқибати

***АҚШнинг Нью-Гэмпшир штатида юз берган автоҳалокатда бир вақтнинг ўзида 59 та енгил автоулов, учта автобус ва иккита юк машинаси зарар кўрди. Бу ҳақда «Associated Press» ахборот агентлиги маълум қилди.***



Бахтсиз ҳодиса қалин қор ёққани туфайли келиб чиққани айтилмоқда. Автоҳалокатга учраган автобуслардан бири Массачусетс-Бостон университетининг аёллар хоккей жамоасига тегишли бўлган.

Жароҳат олганлар ҳақида аниқ маълумотлар йўқ.

## Лаҳзада сифатли сурат

***Фотоаппарат ишлаб чиқарувчи дунёга машҳур «Polaroid» компанияси ўзининг янги маҳсулотини мижозлар эътиборига ҳавола этди.***

«PoGo» деб номланувчи мазкур рақамли аппарат суратга олинган нарсани ўша ондаёқ ишлаб бериш имкониятига эга. Унинг аввалги маҳсулотлардан фарқи шундаки, туширилган расмларни экранда кўришингиз ва зарурат бўлса, ўзгартиришингиз ҳам мумкин. Битта суратни чоп этиш учун бир дақиқадан ҳам кам вақт сарфланади.

Компания бу турдаги фотоаппаратларни жорий йилнинг март ойидан бошлаб сотувга чиқармоқчи. Унинг баҳоси 199 АҚШ долларига тенг.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

**14 январь — Ватан ҳимоячилари куни**




# БУ ЕРДА ТАРИХ ВА БУГУН МУЖАССАМ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Музейнинг умумий майдони 3 минг квадрат метр бўлиб, бу ерда 12 мингдан ортиқ экспонат ва архив маълумотлари сақланмоқда. Унинг ҳудудига кириб борар экансиз, бошқаларидан фарқли бир жиҳат эътиборингизни тортади. Жумладан, дастлаб очиқ майдонда ташкил этилган «Жасорат» боғига қадам қўясиз. Шу онданоқ ўзингизни худди тарихга қайтгандек ҳис этасиз. Ўтмишдан ҳикоя қилувчи ҳарбий техникалар ва макетлар ушбу маскан тўғрисида илк тасаввурингизни уйғотади. Музейнинг асосий ёдгорликлар сақланувчи биносида эса миллатимизнинг ҳарбий тарихи тўғрисида уч ҳарбий давр экспозицияси орқали танишасиз. Булар «Темурийлар давридаги ҳарбий санъат», «Ўзбекистон II жаҳон уруши йилларида» ва «Ватан ҳимояси — муқаддас бурч» деб номланган заллардан ўрин олган экспонатлардир.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари марказий музейи ўз иш фаолиятини Президентимизнинг 1998 йил 12 январдаги "Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони, Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 12 сентябрдаги "Музейлар тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Музейлар фаолиятига тааллуқли меъёрий ҳужжатлар тўғрисида"ги қарори ва шу каби бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар асосида олиб бормоқда. Илмий-маърифий масканнинг ишини янада яхшилаш ва ривожлантириш масаласига доимо алоҳида эътибор қаратилади. Масалан, ўтган йилнинг февраль ойида Мудофаа вазирининг буйруғига асосан "2008-2010 йилларда "Жасорат" боғи ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари марказий музейи экспозиция залларини ҳарбий-тарихий мазмуни жиҳатидан чуқурроқ ёритиш ва такомиллаштириш, замонавий техник жиҳозлар билан янгилаш ҳамда босқичма-босқич ривожлантириш дастури" қабул қилинди. Унга кўра, 2008 йил давомида бир қатор амалий ишлар олиб борилди. Хусусан, янги экспозициялар мавзуси режаси тузилди, тегишли илмий-экспозиция материаллари тўпланди. Ҳарбий қисм ва муассасалардан қурол-аслаҳа намуналари ҳамда макетлари келтирилди. "Қуролли Кучлар спорти" экспозициясини бойитиш учун Марказий ҳарбий спорт клуби томонидан армия спортчилари тўғрисидаги маълумотлар, мамлакат ва халқаро миқёсда ўтказилган спорт мусобақаларида қўлга киритилган кубок ҳамда медаллар музейга топширилди. Ўзбекистон Давлат архиви, Ўзбекистон тарихи Давлат музейи фондларидан Иккинчи жаҳон уруши йилларига оид қўшимча материаллар олинди. Олий ҳарбий таълим муассасалари, сержантлар тайёрлаш мактаблари, республика ҳарбий академик лицейлари тўғрисидаги маълумотлар йиғилди. Дастурда кўзда тутилган бошқа режалар ҳам амалга оширилмоқда.



— 2008 йилнинг декабрь ойида Мудофаа вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари марказий музейи фаолиятини такомиллаштириш тамойиллари тизими ишлаб чиқилди, — дейди музей илмий ходими Дилором Раҳимова. — Ушбу тизим келгусида музейимиз ишини янада ривожлантиришга хизмат қилади. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ҳар йили 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни байрами олдидан бу маскан ҳар қачонгидан-да гавжум бўлади. Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, мактаб, академик лицей ҳамда коллеж ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари, олий ҳарбий билим юртлари курсантларидан иборат гуруҳларга бу ерда ҳарбий тарихимизга оид маълумотлар батафсил тушунтириб берилади. Ўйлайманки, ёшларимизни ҳар томонлама етук ва комил инсон қилиб тарбиялаш, улар қалбида аждодларга ҳурмат ҳиссини уйғотиш, бугунги тинч ва фаровон ҳаётимизнинг қадрига етиш сингари туйғуларни шакллантиришда бундай тадбирлар катта аҳамиятга эга. Шунинг учун барчани Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари марказий музейига бажонидил таклиф этамиз. Келишсин, ўрганишсин.

Дарҳақиқат, музей фаолияти билан танишиш чоғида кўплаб ёшларни учратдик. Уларнинг қай бири билан суҳбатлашмайлик, катта таассурот олганини, айниқса, «Ватан ҳимояси — муқаддас бурч» залида Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Каримов томонидан шакллантирилган профессионал асосдаги миллий армиямиз тўғрисидаги маълумотлар ҳамда экспонатлар алоҳида қизиқиш уйғотганини билдиришди. Миллий офицер кадрлар тайёрлаш, халқаро ҳарбий ҳамкорлик, Қуролли Кучлар спорти ва бошқа ҳарбий йўналишлар фаолияти бўлажак Ватан ҳимоячилари қалбида шу касбга нисбатан ҳавас ҳиссини янада орттирган бўлса, ажаб эмас.

**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Бахтиёр АКРАМОВ**
**олган суратлар.**

# МАҚСАДИМ — ВАТАНИМГА СИДҚИДИЛДАН ХИЗМАТ ҚИЛИШ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотлар туфайли миллий армиямизнинг нуфузи тобора ошиб бормоқда. Унинг сафларида хизмат қилиш шарафли ва шу билан бирга, масъулиятли бурчдир. Ҳарбий хизматга иродали, жисмонан ва руҳан соғлом, дунёқараши кенг ёшлар саралаб олинмоқда. Бу мамлакатимиз мудофаа қудратининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

**Шерзод УЛЛИЕВ, ҳарбий қисм катта авиация механиги, кичик сержант:**

— Ҳарбий либос кийиб, армия сафида хизмат қилиш болалик орзуим эди. Бу шарафли касбни 2001 йили муддатли ҳарбий хизматдан бошладим. Сўнг сержантлар тайёрлаш мактабини аъло баҳолар билан тугатдим. Ўз ҳаётимни ҳарбий либоссиз, қатъий интизом ва жанговар машқларсиз тасаввур қила олмайман. Эзгу орзуимнинг ушалиши — мамлакатимизда ёшлар камолоти йўлида кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрликнинг самараларидандир.

Ҳарбий қисмда фаол иш юритишимиз учун барча шарт-шароит ва қулайликлар яратилган. Мақсадим — мамлакатимиз истиқлоли, эл-юртимиз тинчлиги ва барқарорлигини янада мустаҳкамлаш йўлида Ватанимга сидқидилдан хизмат қилиш.

**Нодира МАНЗУРОВА суҳбатлашди.**


IPOTEKA BANK

«Ипотекабанк»
акциядорлик тижорат ипотека банки

кенгашининг 2008 йил 18 августдаги 38-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки кредит ташкилотларини рўйхатга олиш ва лицензиялаш комиссияси мажлисининг 2008 йил 19 декабрдаги 132/1-сонли қарорларига асосан,

«Ипотекабанк» акциядорлик тижорат ипотека банкининг
«Дўстлик» филиали
тугатилмоқда.

Барча кредиторларнинг аризалари эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой мобайнида қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади:
140000, Урганч шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 19-уй.
Телефон: (8-362) 226-13-66. Факс: (8-362) 770-41-38.

*ТУГАТИШ КОМИССИЯСИ.*



ПОЧТА МАРКАЛАРИНИ ТЎПЛОВЧИ ИШҚИБОЗЛАР ВА ФИЛАТЕЛИСТЛАР ДИҚҚАТИГА!

2009 йил 14 январь Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ
Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги

билан ҳамкорликда почта маркаларининг махсус хотира сўндириш тадбирини ўтказади.

Ушбу тадбирнинг тантанали очилиши жорий йилнинг 14 январь куни соат 12.00 да «Тошкент почтамти» (Шаҳрисабз к., 7-уй) филиали биносида бўлиб ўтади.


## ИНТИЛИШ

### «Равшаной файз» иш бошлади

Олмалиқлик тадбиркор Равшаной Бобоева шаҳарнинг Алишер Навоий номидаги маҳалласида кийим-кечаклар ва ширинликлар тайёрлайдиган цехлардан иборат кичик корхона барпо этди. "Равшаной файз" деб номланган мазкур шохобча янги йил байрами кунлари фойдаланишга топширилди. Ҳозирда йигирма нафар йигит-қиздан иборат жамоа буюртма асосида бежирим либослар тикиш билан бир қаторда, турли-туман пишириқлар тайёрлаб, эл дастурхонига тортиқ қилмоқда.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


ООО "CHIRCHIQ TEPLO SYSTEM"
CHTS
ИСИТИШ СУВ ҚАЙНАТИШ
ҚОЗОНЛАРИ
Хавфсиз автоматика билан таъминланган
МОДУЛЛИ ИСИТИШ БЛОКЛАРИ
Табиий газ, суюқ ва қаттиқ ёнилғи билан ишлайди
маҳсулот сертификатланган
Чирчиқ шаҳри, Кангли кўчаси, 16-«А».
Т/ф. 8 (370 71) 5-61-73, 5-40-62, т/ф. 5-59-87, 314-59-87.
E-mail: chts.uz@mail.ru



ООО "Росагропромснаб" предлагает:
СЧЕТЧИКИ ГАЗА
ультразвуковые "Гобой-1"
Цена - от 1 365 000 сум.




| Ду, мм | Типоразмер | Мин. расход, Qмин, м³/час | Максим. расход, Qмин, м³/час |
|---|---|---|---|
| 25 | G10 | 0,16 | 16(25) |
| 40 | G25 | 0,40 | 40(65) |
| 65 | G65 | 1,00 | 100(160) |

На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия.
Гарантийный срок на продукцию - 12 месяцев со дня установки.
Отдельно предприятие поставляет фильтры различных диаметров.
Товар сертифицирован
Т./ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90
Адрес: г. Ташкент, Чиланзар, кв-л Ц, д. 6
(ор-р - перекресток "Шухрат")



ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР
ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ
КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ "КЧМ"
РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%
а также:
товар сертифицирован
форма оплаты-любая
КАФЕЛЬ
(облицовочный и напольный)
САНТЕХНИКА
(унитазы, умывальники в большом ассортименте)
ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ
Тел.: 333-71-55, факс: 281-52-04
Торговый магазин ул. Уста Ширин, 125 внутри строительного рынка № 127
zakamsk-group@mail.ru



«ЎЗБЕКНЕФТГАЗ» МИЛЛИЙ ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ
«ЎЗНЕФТГАЗҚАЗИБЧИҚАРИШ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ

қуйидаги кимёвий реагентларни сотиб олиш учун 01/09-сонли
тендер савдосини эълон қилади:

Лот № 1. Алюминий оксиди — 910,0 тонна.
Лот № 2. 2,4 Пентандион — 74,0 тонна.
Лот № 3. Антиоксидант 1010 — 65 тонна.
Лот № 4. Циклогексан — 1000 тонна.

Тендер муддати — эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кун.

Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

*Шўртан газ-кимё мажмуаси, 731300, Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, Шўртан қўрғони.*
*Тел.: (998 75) 780-87-74, 780-85-72. Факс: (998 75) 221-09-04, 780-87-74.*
*Электрон почта: group_hr@sgcc.uz*



*Давлат, хусусий ҳамда мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА
ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФУҚАРОЛАРИНИНГ ПАСПОРТЛАРИНИ
БОСМАЛАШ УЧУН ПАСПОРТ-ЁЗУВ ҚУРИЛМАЛАРИНИ
ХАРИД ҚИЛИШ БЎЙИЧА

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

*Тендер таклифлари — эълон чоп этилган кундан бошлаб 2009 йил 12 февраль куни соат 17.00 гача қабул қилинади.*

Манзил: Ўзбекистон Республикаси,
100070, Тошкент шаҳри, Ш. Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.

Маълумот ва тендер ҳужжатларини олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзилга ёки қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 255-78-24, 252-30-36.
Факс: 8 10 998 (371) 281-43-73. E-mail: umtvs@uzpak.uz



«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
233-10-60
236-09-25
232-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru


Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти Яккабоғ туман судининг раиси

**Содиқ РАИМОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

"Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси жамоаси бош директор ўринбосари Ю. Норбўтаевга акаси

**Ўролжон НОРБЎТАЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

